


*АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИҚДАН
ТАШҚАРИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ*

Мақасид ёндашуви



(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

**АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИКДАН
ТАШҚАРИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ**

Мақасид ёндашуви

Басма И. Абделгафар



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 86.38-6
Б 27

Китоб ҳомийси:

Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Херндон Виржиния АҚШ

Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)

Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Басма И. Абделгафар

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Раҳат: – Б.: 2022

Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муассар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан тасдиқланган №87

Анъанавий ҳуқуқшуносликдан ташқаридаги давлат сиёсати.

Мақасид ёндашуви (Uzbek)

Басма И. Абделгафар

ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 АН / 2022 СЕ

Paperback ISBN 978-9967-08-950-1

Public policy: Beyond traditional Jurisprudence. A Maqasid Approach (Uzbek)

Basma I. Abdelgafar

IIIT «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)

1440 АН / 2018 СЕ

Paperback ISBN 978-1-56564-383-3

IIIT

P.O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-08-950-1

УДК 297

ББК 86. 38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари.

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта ҳажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

Фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ишларни адолатли бошқариш сифатида кенг белгиланган яхши бошқарувнинг асос солувчи жиҳати – давлат сиёсатидир ва қарор қабул қилишда демократияни жорий этишдир. Ушбу жараёнда “*Мақасид аш-Шариъа*”-нинг (*maqasid al-shari'ah*, яъни шариат ва ҳуқуқий меъёрлар мақсадларининг) ўрни қандай?

Ҳар қандай шаклда давлат фақат баъзи дастлабки шартлар асосида ишлаши мумкин. “*Мақасид аш-Шариъа*” бу жараёнда муҳим роль ўйнайди, у қўлланма вазифасини бажаради ва давлат фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияни йўқ қилиш ва фуқароларга энг адолатли хизматларни кўрсатиш бўйича тахминлар, мақсадлар ва ҳаракатлар аниқланиши мумкин бўлган доираларни яратади. “*Мақасид аш-Шариъа*” ва давлат сиёсатининг бирлашуви, шу

тарика, чегаралар ўрнатади, масъулиятни белгилайди, устуворликларга урғу беради ва натижада ҳукумат сиёсатни қандай белгилагани ҳақидаги мулоқотга илоҳий нуқтаи назар келтиради. Масалан, *шўро* бу жараёнда муҳим постулатдир, чунки у ҳаёт сифати овозга эга бўлмаган кундалик қарорлар билан белгиланадиган оддий одамларга демократик овоз беради.

Ушбу китобнинг бобларида Исломда давлат сиёсатига “*мақасид*” ёндашуви бўйича тадқиқотларнинг ҳиссаси ўрганилади. Ҳар бир боб алоҳида мавзуларга бағишланган бўлиб, улар биргаликда ушбу тадқиқот соҳаси билан танишишни таклиф қилади. Тақдим этилган ғоялар янада ривожланишга муҳтожлигига шубҳа йўқ. Сиёсат ва бошқарув жуда мураккаб масалалардир. Унинг заминларини ташкил этадиган, асос солувчи ишни ишлаб чиқаришга қодир бўлган содиқ тадқиқотчиларнинг танқидий массаси мавжуд бўлмасдан интизом туғилмайди. Муаллифнинг дунё бўйлаб саёхатлари уни “*Мақасид аш-Шариъа*”нинг ушбу саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш интилишларига кучли ва ўсиб бораётган қизиқиш борлигига ишонтирди.

Басма И. Абделгафар Китоби асл нусхасининг қисқартирилган нашри

*АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИҚДАН ТАШҚАРИДА
ДАВЛАТ СИЁСАТИ: МАҚАСИД ЁНДАШУВИ*

ISBN hbk: 978–1–56564–376–5

ISBN pbk: 978–1–56564–375–8

2018

МУҚАДДИМА

Ушбу китоб “*мақасид*” илмининг Исломдаги давлат сиёсатининг муҳим мавзуларига қўшган ҳиссасини ўрганувчи етти бобдан иборат. Бу давлат органи ёки ҳокимият идоралари томонидан жамоат муаммосини ҳал қилиш ёки:

(1) *тақво* ва *тавҳидда* акс этирилган Қуръон ахлоқи ва одоб-ахлоқи билан синалган имкониятдан фойдаланиш учун қабул қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик курси сифатида белгиланади;

(2) “*Мақасид аш-Шарийа*”, яъни олий мақсадлар билан оқланади;

(3) *шўро*, яъни жамоавий қарор қабул қилиш жараёни билан бошқарилади;

(4) *ислоҳ*, яъни такомиллаштириш ва ислоҳот натижасида амалга оширилади.

Ўзининг анъанавий тақдимотида “*Мақасид аш-Шарийа*” (*maqāṣid al-sharī‘ah*) ёки илоҳий қонуннинг мақсадлари – иймон, ҳаёт, ақл, авлод, бойлик ва қадр-қимматни сақлашни ўз ичига олган ахлоқий асосдир. Асар *мақасид** ёндашуви Исломда давлат сиёсати назарияси ва амалиёти учун ажралмас эканлигини кўрсатишга интилади ва Ислом динининг асосий манбалари, яъни Қуръон ва суннатни ўрганишда олимлар ва фаоллар сиёсат ва сиёсий қарашларни фарқлаши кераклигини таъкидлайди. Суннат асл манбаларда топилган бошқарув моҳияти ва жараёнларини қўллаш учун узок муддатли таъсирга эга бўлиши мумкин.

Ҳукмрон давлат сиёсати ўрганиши ва амалиётига ўхшаб Исломдаги давлат сиёсати на соф санъат, на илм-фандир, балки иккаласини ҳам ўз ичига олади. Унинг санъати бир нечта манфаатдор томонларни муайян ҳаракат йўналишини танлашга ишонтирадиган альтернативаларни аниқлаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш

* Мақасид сўзининг маъносида озгина фарқлар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш араб тилидаги атаманинг контекстига ёки турли олимлар томонидан тузилган аниқ таърифга боғлиқ. Одатда, мақасид бу маъноларнинг ҳаммасини камраб олади.

қобилиятига асосланган. Бу замонавий сиёсат муаммоларини ҳал қилишнинг янги ва инновацион усуллари учун асл манбаларга таянадиган кучли методологияга асосланган фандир. Исломдаги давлат сиёсати санъат ва илм-фан сифатида “*Мақасид аш-Шарийа*”-нинг фалсафий доирасига асосланган бўлиб, у кейинги олимлар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг келажак авлодлари томонидан кашф этилган билимларни тушуниш, талқин қилиш ва амалда қўллаш учун намоён бўлган ва очилмаган сўзни интеграциялашган ва йўналтирилган ўқишга чақиради.

“*Мақасид аш-Шарийа*” билан боғлиқ фан ушбу мақсад учун тенги топилмайдиган ҳисса ҳисобланади. *Мақасид* илмий ёндашуви ўзини бошқа исломий ёндашувлардан, хусусан, анъанавий ҳуқуқшуносликдан, мақсадга мувофиқлиги, дастлабки шартлар ва устуворликларнинг қадриятлари, шунингдек, кўп интизомликка ва усулларнинг хилма-хиллигига очиқлиги билан ажралиб туради. Бир қатор таниқли замонавий олимлар томонидан ёндашувни қайта тиклаш олти марта уринишни беради:

- (1) Шариатни унинг раҳм-шафқат, адолат, тенглик ва фаровонлик тамойилларини эътиборсиз қолдирадиган вазиятлардан узоқлаштириш;
- (2) Ислом архаик, адолатсиз ва зўравон эътиқод тизими деган замонавий, асосан дунёвий, балки мусулмонлар баёноатларни рад этиш;
- (3) Нима учун мусулмон жамоаларининг саъй-ҳаракатлари инсон қадр-қимматига нисбатан илоҳий буйруқни акс эттирмаслигини тушунтиришни топиш;
- (4) Мусулмон дунёсида ҳам, ундан ташқарида ҳам Исломни тиклаш мақсадида анъанавий нутқда ҳукмронлик қиладиган тор ҳуқуқий призмага муқобилликни таъминлаш;
- (5) Бошқа соҳалардаги олимларга исломий билимларни ўз соҳасига киритиш воситаларини бериш;
- (6) Кўп маданиятли ва цивилизацияли мусулмонлар дунё ҳамжамиятини бирлаштириш мезонларини таклиф қилиш, шунингдек, бошқалар билан тушуниш кўприқларини куришдир.

Ушбу китобдаги боблар микро масалалар эмас, балки макро масалаларга қаратилган. Улар *мақасид* ёндашувини давлат сиёсати-га ҳукуматга нисбатан қандай қўлланилиши ҳақида бир қатор тегишли ғояларни таклиф қиладилар, шунда биз нафақат давлат сиёсатини амалга оширишимиз ёки танқид қилишимиз, балки энг муҳими, бошқаларнинг даъволарини баҳолашимиз мумкин. Давлат сиёсати ва уни Исломда амалга ошириш дунёсида (яъни, давлат органи ёки ҳокимият идоралари томонидан жамоат муаммоларини ҳал қилишда ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг йўналиши) ҳақиқат Қуръон билан кўрсаткич сифатида мусулмонларнинг муқаддас ваъдасидир.

БИРИНЧИ БОБ

Исломдаги давлат сиёсати: *Мақасид* ёндашуви

Ушбу китобнинг кириш қисмида Ислом бошқарув тадқиқотлари соҳасида ҳукмронлик қилувчи диний-ҳуқуқий ёндашув чегаралари, бу чегараларни баҳолаш мумкин бўлган йўллари ва *мақасид* тадқиқотлари олдинда турган муаммолар ва мураккабликларга қандай ёндашиши ҳақида гап боради. Турли хил ҳикоялар одил бўлиши мумкин бўлса-да, улар бутун дунёдаги мусулмонларнинг ҳаётий тажрибалари ва ўтмишда кенг тарқалган диний-ҳуқуқий ёндашув ва асосиз тортишувлар туфайли азоб чекаётган оқибатларини хурмат қилмайдилар. Муаммоларни таҳлил қилиш ва ечимларни таклиф қилиш учун диний-ҳуқуқий ёндашувни янада кенг қамровли, мақсадли, динамик, мураккаб усуллар билан тўлдириш Исломнинг бошқарув ва давлат сиёсати соҳасидаги замонавий муаммоларини ҳал қилишда муҳим қадамдир.

Исломда давлат сиёсатида диний-ҳуқуқий ёндашувнинг барча чекловларидан энг қўполи *шўро* зарурлигини, яъни, анъанавий

тарзда ҳукмдор учун мажбурий бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган маслаҳат шакли сифатида тушунилган жамоавий қарорларни қабул қилишнинг илоҳий равишда олдиндан белгилаб қўйилган жараёнини эътиборсиз қолдириш ёки уни кам баҳолашдир.

Шўронинг том маънодаги таърифи – унинг манбасидан асал чиқариш – ҳар қандай қарор қабул қилиш жараёни ва унинг натижалари фойдали бўлиши кераклиги, яъни такомиллашишга (*ислоҳга*) олиб келиши тавсияси ҳақидадир. Баъзи ҳуқуқшуносларнинг эътирозларига қарамасдан, *шўро* Қуръонда (42:38) Худога бўйсунуш ва намозни ўқиш (беш маҳал кундалик мажбурий ибодат орқали Худога сажда қилиш) ҳақидаги буйруқдан сўнг белгиланган мажбуриятдир.

Шўро тушунчаси бизга намоён бўлган ва очилмаган сўзларнинг бир вақтнинг ўзида қандай ўқиши кераклигини мукамал мисол қилиб келтиради. Шубҳасиз, бирини иккинчисиз ўқиш тўлиқсиз билим ва номувофиқликка олиб келади. Асаларилар дунёсига мурожаат қилганлиги сабабли, *шўро* тушунчасини шама деб ҳисоблаши мумкин. Қуръондаги, яъни ваҳий қилинган каломда иккита сура ушбу ишорани тушунтиришга ёрдам беради – *Наҳл* ва *Шўро*. Биринчи сурада инсон хилма-хилликни идрок этишига қарамай, бирликнинг аҳамияти ҳақида эслатилади. Иккинчисида бизнинг эътиборимиз одамлар орасида бу хилма-хилликнинг табиий оқибати сифатида муқаррар келишмовчиликларга қаратилади, шунингдек, муваффақиятли жамоавий қарорлар қабул қилиш ва инсон мустаҳкамлигига зарурий ҳисса сифатида одамлар ўртасидаги муқаррар келишмовчиликларга қаратилади.

Фош қилинмаган сўзнинг кашфиётларини тақдим этадиган замонавий илмий адабиёт инсонлар асалариларнинг жамоавий қарор қабул қилиш жараёнидан ўрганишлари мумкинлигини тасдиқлайди. Аслида, асаларилар сайёрадаги энг яхши жамоавий қарор қабул қилиш жараёнига эгалар. Шу мисолга асосланиб, *шўрони* давлат раҳбарлари эпистемик жамоаларга таянадиган жамоавий қарорлар қабул қилиш тизими сифатида жуда аниқ белгилаш мумкин. Шун-

га кўра, ушбу жамоалар жамоатчиликни кейинги ҳиссани ва/ёки кўриб чиқилаётган сиёсат муқобилларини қўллаб-қувватлашга интиладиган доимий алоқа жараёнига жалб қилишлари керак. Шу тариха, бу жараён муайян функцияларни ўз ичига олган эксперт маслаҳатлари тизими орқали давлат ишларини бошқаришга энг яқин туради. Уларга етакчилик, тажриба, фуқаролик иштироки, қарорни қабул қилиш мезонлари, далиллар, ишониш, тергов, овоз бериш/сайлов, кворум ва консенсус киради. Бу тизимда етакчилик муҳим, лекин ҳукмрон эмас. Етакчилик, биринчи навбатда, қуйидаги жараёнларни рағбатлантириш учун масъулдир:

- (1) Муайян масалалар бўйича маслаҳатлашишни талаб қиладиган жараёнлар;
- (2) Муваффақиятли натижалар мезонларини белгиловчи жараёнлар;
- (3) Мумкин бўлган жавобларни таклиф қилувчи жараёнлар;
- (4) Жамиятни қандай қилиб энг яхши ҳаракат қилишига ишонтирадиган жараёнлар;
- (5) Энг яхши жамоавий ечимларни ҳосил қилувчи жараёнлар.

Шўро жараёни Исломдаги давлат сиёсатида ишонтириш муҳимлигини аниқ тасдиқлайди, бу эса Исломнинг ақл кучига ўрин беришини таъкидлайди. Қуръон фақат буйруқларни бермайди, балки ишонтириш, рағбатлантириш ва ақл ишлатишни мажбур қилиш учун воситалар мажмуидан фойдаланади. Унинг ёндашуви мўминларга манфаатдор жамоатчиликни кўп йўллар орқали “ҳидоят” зарурлигини кўрсатади. Қуръоннинг кўпгина ривоятлари тинчлик ва адолатни ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларида Аллоҳнинг элчилари томонидан қўлланилган ишонарли усулларни баён этилишни ўз ичига олади. Асосан бошқа элчиларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи ғайритабиий намоишларсиз Ислом хабарини етказишга мажбур бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)** раҳбарлигида бўлгани каби, одамларни

** Соллаллоҳу алайҳи ва саллам (*Salla Allahu 'alayhi wa sallam*) – “Аллоҳ унга барака берсин ва салом айтсин” - Пайғамбар Муҳаммаднинг исмини зикр қилганда ишлатилади.

маълум ҳаракат ёки турмуш тарзига ишontiриш ҳеч қандай аниқ эмас. Ишontiришга урғу бериш хурофот, ғайритабий кутишлар ва авторитаризмга қарши аниқ кўрсатмадир.

Фойда олиш ва зарардан сақланиш билан боғлиқ масалаларда жамоатчиликни “ҳидоят қилиш” учун “*Мақасид аш-Шариъа*”нинг зарурлиги шубҳасизлигини тушуниш лозим. Қарорларимизни қандай оқлаймиз? Давлат сиёсати нимага қаратилган бўлиши керак? Жамият фаровонлигини нима ташкил этади? “*Мақасид аш-Шариъа*”ни англаш Исломнинг дастлабки кунлариданоқ аён эди. Бирок, унинг расмий ривожланиши фақат ўнинчи асрда бошланди, мусулмон олимларининг танлов гуруҳи ёндашувга мурожаат қилиб, замондошларини ҳуқуқий баёнотлар ва матнларни талқин қилиш орқали илоҳий қонуннинг мақсадларига қулоқ солишга чақирди.

Анъанавий шаклда *мақасид* ёндашуви олти асосий элементни: иймон, ҳаёт, ақл, насл, фаровонлик ва кадр-қимматни сақлаб қолишга қаратилган. Дастлабки олимлар айнан бу мақсадларга эришиш учун илоҳий қонун яратилганини таъкидлаганлар. “*Мақасид аш-Шариъа*” ўзининг кенг мурожаати ва умумий табиатини ҳисобга олган ҳолда, ҳар хил иймон тизимларидан турли шахслар ва гуруҳларни жалб қилиш учун потенциал кўп қиррали ёндашувни таклиф этади. Бундан ташқари, сиёсат ва бошқарувнинг бошқа соҳаларида, айниқса, вақт ўтиши билан унинг эволюциясини ҳисобга олган ҳолда, уни кўллаш учун амалий ва назарий майдон яратади.

Мақасид ёндашуви Ислом динини сиёсат ва бошқарув мақсадларида ўрганишдаги муҳим фарқ, яъни ахлоқ ва *дин* ўртасидаги фарқни кўрсатмоқда. Қуръон ахлоқини писандасиз диний деб бўлмайди. Раҳматли Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ Драз қисқача баён қилганидек, Қуръон ҳаётнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олади, ибодат актларини ўз ичига олган диний унсур эса чекланган ва шахсийдир. Иккинчидан, тахмин қилинган ахлоқ қоидалари бу ҳаётда инсон виждони, қонуний ҳокимияти ва ҳар кимнинг яхши-

ликка интилиши ва ёвузликдан сақланиш алоҳида ҳуқуқи билан тасдиқланади. Учинчидан, Қуръон нафақат қўрқув ва умидга таянади, балки инсон ақлининг диққат-эътиборини, тушунишини ва ривожланишини ҳам талаб қилади. Ахлоқ ва дин бир-бирини белгиламайди. Ақл-идрок диннинг ижобий қонуни олдида эди. Биз ҳам диний, ҳам табиий қонунни ақл орқали шакллантирамиз ва қабул қиламиз. Аслида, диний қонунчилик фақат оддий виждон ўз тушунчасининг энг яхшисини мослаштиришга ва қўллашга ҳаракат қиладиган бошланғич нуқтасини таклиф қилиши мумкин. Ушбу тушунтириш асосида, дин фақат қасддан қилинганликни кўриб чиқилганда омилга айланади. Сиёсат ва бошқарувда бу исломий манбалардан келадиган таклифлар ғоялар бозорида шубҳа остига олиниши учун тайёр бўлиши керак, натижада улар афзал қўрилади ёки рад этилади, деганини англатади. Шахсий ниятлар муҳим эмас.

Бошқарувга бўлган *мақасид* ёндашуви аниқ тартибга солинади, бошқа барча қадриятлар бўйича раҳмнинг ахлоқий устунлигини камраб олишдан тортинмайди. Худонинг барча исмларидан “Раҳмли” энг катта эътиборга эга. Шунинг учун Ислому тамоийлига кўра бошқарув, аввало, раҳмдил жисмоний ва ахлоқий муносабатларга асосланган инсонларнинг яхлит фаровонлигидир. Дарҳақиқат, раҳм *мақасидга* асосланган бошқарувнинг белгилловчи хусусияти бўлиб, бу соҳага интилганлар нафақат бундан тан олишлари, балки назария ва амалиётда ўз аҳамиятини акс эттириш учун жасорат ва қобилиятга эга бўлишлари керак. Ажаб эмаски, тарихдаги энг обрўли ва қадрли раҳбарлар ва халқлар энг катта марҳамат кўрсатганлардир.

Мақасид ёндашувнинг мослашувчанлиги ҳуқуқшуносликка кенг ҳисса қўшишга мос бўлса-да, давлат сиёсати талаблари мустаҳкам методологик воситани ишлаб чиқишни талаб қилади. Дастлаб, шариат қонунларида давлатнинг моҳияти, шунингдек, асослар, моддий ва процессуал сиёсатлар тўғрисида нарсага эга эмаслиги ёки жуда кам нарса борлиги деган фикрини рад этиш муҳимдир. Шариат вазифани бажариш учун ишлатилиши мумкин бўлган, мавжуд

материалнинг ҳажмини, шунингдек, намоён бўлган ва очилмаган сўзни тушунадиган, тўғри тарбияланган ақл ёрдамида сиёсат ва сиёсий қарашлар ҳақидаги билимларга бойдир. Шунинг учун Исломдаги давлат сиёсати анъанавий ҳуқуқшунослар томонидан шариатга қўйилган юзаки чекловларни қабул қила олмайди, шунингдек, анъанавий олимлар томонидан исломий қонун деб эътироф этилган қоидалар ва баёотларни белгилаш учун ишлаб чиқилган, аммо матнларда аниқ кўрсатилмаган “чексиз манфаатлар”нинг тартибга солинмаган тамойилига бўйсун олмайди. Қуръон бизни жамоат ишлари соҳасидаги янги ва фойдали кашфиётларга олиб бориши мумкин бўлган ривоятлар, суҳбатлар, мисоллар, маълумотлар, кўрсатмалар, кузатувлар, шамалар, метафоралар, такрорлар, ҳукмлар, далиллар ва бошқаларни ўз ичига олган бир қатор усулларни тақдим этади.

Ушбу бобда Исломда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишлари ёритилган. *Шўро* қарор қабул қилиш учун зарур ва мажбурий жараён сифатида тақдим этилади, ишонтириш – бу соҳадаги иштирокчилар учун асосий восита сифатида, *мақасид* – умумий мақсадлар сифатида, *ислоҳ* – исталган натижалар сифатида, раҳм – энг олий қадрият сифатида, ахлоқ эса тенги топилмайдиган пойдевор сифатида тақлиф этилади. Исломда давлат сиёсатини ўрганишни очиш учун *мақасид* ёндашувини қабул қилиш танқидий тадқиқотлар ва оламшумул курашувчиларини талаб қиладиган ривожланишнинг муҳим нуқтасидир.

ИККИНЧИ БОБ

Мусулмонлар ва бошқарув дилеммалари

Бу бобда мусулмонларни учта нуфузли вакил бошқараётгани баён қилинган. Бунга, ҳукумат тизимидан қатъий назар давлат, ҳуқуқ-шунос, олим ва имомларнинг анъанавий диний муассасаси, шунингдек, ўз эътиқодлари мазмунини мустақил равишда аниқлай олмаслигига ишонч ҳосил қилган бузуқ виждон киради. Бу учта вакил, шу жумладан, улар билан мулоқот қилиш йўллари Шариатда ишлаб чиқилган сиёсат ва бошқарувга ёндашувни ривожлантирмоқчи бўлсалар, мусулмонлар ҳал қилишлари керак бўлган муаммони тақдим этадилар.

Қисқача тарихий узокдан кўринишни киритиш фақат ҳукмдорлар, олимлар ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатларнинг замонавий масалаларга қандай таъсир кўрсатганини таъкидлаш учунгина мўлжалланган. Шариатга эҳтиромни бажо келтирган Ислом бошқарувининг олтин даври таклиф этган назариялар жамоат соҳасидаги шариатдан умумий нафрат ва кўрқувни ифодаловчи ҳозирги мушкулотимиз учун қоникарли изоҳ бермайди. Бу борада муҳим бўлган нарса, мусулмон мамлакатларининг иқтисодий, маъмурий, илмий ва маданий раҳбариятини яхши бошқарув билан аралаштириб юборадиган тарихнинг баъзи романтикалаштирган баёнотини эмас, балки бошқарув кучи билан ўзаро алоқада бўлган мусулмонларнинг ҳақиқий тарихий тажрибасини тўғри тушунишдир.

Миллий давлатларнинг ҳозирги давригидан олдин мусулмонлар асосан қабила садоқатига асосланган сулолалар томонидан бошқарилган ва шунинг учун кенг жамоатчилик иштирокини хуш кўрмаганлар. Бу умматнинг ажралиб турадиган хилма-хиллиги бошқарув ва раҳбарлик даражасида акс этмаганлигини англатган эди. Ушбу бошқарув усули шахслар ва ҳукмдорлар ўртасида сезиларли келишмовчиликни келтириб чиқарган. Одамлар билан

турли сулолалар ҳукмдорлари ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг табиатини асосан Ислом ҳуқуқшунослиги сиёсат доирасида қурдирган ва натижада шахсиятпарастлик билан идора қилган диний қарашлар бошқарган. Ҳукмдорлар шариатнинг яхши бошқарувни белгилайдиган жиҳатларига амал қилиш ва уларни бажариш заруриятидан халос бўлишган, оддий одам эса ҳокимият-ни жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган билим ва воситалардан маҳрум бўлган, шунингдек, ҳуқуқлар ва зарурат туғилганда раҳбарларнинг ўзгаришини талаб қила олмаган.

Ҳукмдорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчилик ўртасида ўрнатилган сулолавий ҳукмронликнинг сиёсий жиҳатдан қулай фарқлаши мусулмон жамоасининг сиёсий етуқлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу диний олимлар аста-секин ўзларини ва ўқишларини оддий диндорлардан ва ҳуқуқшунослик алоқаси бўлмаган фанлар билан шуғулланувчилардан ажратиб турадиган муҳит яратган эди. Аста-секин диний таълим бу элитизмни акс эттириб, *динни* фақат касб-ҳунар деб қабул қилганларга мос таълим бера бошлади. Борган сари оддий мусулмонлар диний йўл-йўриқ зарур деб топилган барча масалаларда бу одамларга таянишга мажбур бўлдилар, шариатнинг яхлит табиати эса ўтган, қисқа муддатли даврда тарк этилган эди.

Ушбу тарихий ўзгаришларга ҳисса қўшган энг буюк афсоналардан бири бу шариатнинг бошқарувга нисбатан “сукути” бўлиб, фақат чекланган микдордаги тушунчалар бундан мустасно, унинг диққат-эътибори истибдодни кучайтириш билан ғалати кўринади. Бундай тушунчалардан бири дунёвий бошқарув масалаларида “Илоҳий мустақиллик”нинг уйдирмасидир. Гарчи Худонинг мустақиллиги яратилишнинг бошқарувида шубҳа қилинмаса-да, биз ўз хоҳишимиз билан ҳаракат қиладиган кундалик ҳаётимизнинг тафсилотлари билан ифодаланмайди. Бинобарин, У қонуннинг ягона манбаи эканлигига ишонч ва ташвиқот нафақат ногўғри, балки хавфлидир. Ақл-идрокдан фойдаланиб, одамлар аниқ таҳрирлардан қатъий назар, ахлоқ асослари ва ҳаракат мақсади ўртасидаги қонунчилик жараёнини давом эттирадидилар. Бошқа-

рувнинг ҳар қандай даражаси инсоний фаросат ва мустақилликни талаб этади. Ҳақиқий Исломиёи бошқарув ҳокимият ва уларнинг жамоатчилиги ўртасидаги муносабатларни доимий янгилашни жараёни орқали сақламоқда. Мусулмонлар инсон ҳокимиятига ҳеч қандай мутлақ ёки илоҳий вакиллик туфайли эмас, балки ахлоқий қатъий талабга асосланган ва биргаликда келишилган сиёсий жараён орқали ифодаланган ўз тасдиқлари орқали бўйсундилар. Ушбу муносабатларнинг тарихий эътиборсизлиги ёки ихтиёрий равишда белгиланиши мустамлакачилик (ва замонавийлик) олиб келиши мумкин бўлган ўзгаришларга яхши тайёргарлик кўрмаган, сиёсий жиҳатдан ривожланмаган жамиятни шакллантиришга ёрдам берган. Бироқ, ҳозирги замон сиёсий фаолларининг халифалик, уммат, *шўро*, *байъат* каби тушунчаларни тарихий англашга бўлган ўжарлиги ижодкорликни, самарадорликни ва маъқуллашни чеклашни англайди.

Аммо бугунги кунда мусулмон дунёсида давлатнинг энг катта айби анъанавий диний элита соҳасидадир. Гарчи Ислом Рим католиклашида Ватикан билан мутаносиб куч марказига эга бўлмаса-да, ҳуқуқшунослар ва олимлар диний элитанинг қатъий белгиланган роллар, мажбуриятлар ва ақлий чегаралар доирасида фаолият юритадиган кучли, патриархал, марказлаштирилган, пасайиб борувчи ва олдиндан белгиланган тузилмалар сифатида қайта ишлаб чиқишини таъминлаганлар. Шундай қилиб, у шариат таърифи, ҳуқуқшунослар ва олимлар мезонлари, олий таълим жойларини аккредитация қилиш ва иймонлилар учун кундалик руҳсатномалар ва тақиқларни сақлаб қолади. Бошқа соҳадаги олимлар, аёллар ва ёшларга овоз бериш ҳуқуқи берилмайди.

Ўзларининг тор ҳуқуқий доирасидан ташқарида олиб борилган изланишларга ҳуқуқшуносларнинг сўзсиз ҳужумлари бутун дунё мусулмонлари учун жиддий оқибатларга олиб келди. Аммо табиатан жиддийроқ бўлган нарса, ҳуқуқшунослар ва олимларнинг ўзлари билган ҳуқуқат амалдорлари билан яширин ёки ошкора тил бириктиришидир, улар эса инсон ҳуқуқларини жиддий равишда бузмоқдалар. Шундай қилиб, раҳм, фаровонлик ва адолат шариат

қонунининг асосий қисмида бўлса-да, ҳуқуқшунослар ва олимлар ҳуқумдорларга бу тамойилларга риоя қилишни маслаҳат беришлари жуда қийин. Аммо бундай динамика доирасида ўртача мўмин зиммасида ҳам катта масъулият бор.

Асрлар мобайнида мафкуравий ишлов бериш, ҳаддан ташқари ҳуқуқий тартибга солиш ва узурпация мусулмонларнинг иймон масалалари ҳақида фикр юритишга тайёрлиги ва қобилиятига, шу жумладан, уларнинг эътиқодлари мазмунини тузиш, текшириш ва *ислоҳ* қилиш қобилиятига таъсир кўрсатган эди. Исломий сиёсат ва бошқарув нимани англатишини билиш жуда чекланганлигининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Мусулмонлар энг оддий дунёдан тортиб то энг жиддийгача бўлган масалаларда ўзларининг фикрларини олиш учун ижтимоий тармоқлар орқали маҳаллий диний раҳбарларига ёки таниқли хорижий олимларга ишонишда давом этмоқдалар. Гарчи бу муаммо бўлмаслиги мумкин бўлса-да, аммо Исломнинг асл манбаларига малакали ва тўғри мурожаат қилиш орқали мураккаб замонавий шаклларда инсон фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшишнинг умумий қобилиятсизлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, маргинал гуруҳларнинг тобора кўпайиб бораётган вакиллари, шу жумладан, эркаклар, аёллар ва ёшлар, шунингдек, анъаналар доирасидаги ва бошқа соҳалардаги олимларнинг тобора бугунги кунда мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар дуч келадиган ҳақиқат ва эҳтиёжлардан юқори даражада ажрашган тор ҳуқуқий ҳокимиятнинг суёт бўйсунинини шубҳа остига олишмоқда. Ушбу шахслар ва жамоалар диний элита томонидан инсон ҳуқуқларини, айниқса, аёлларни ва бошқа муҳим давлат манфаатларини эътиборсиз қолдирадиган ва камситадиган қонуний ҳаракатларга нисбатан чекловлар билан сабрсизлана бошладилар. Улар замонавий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўллари тизкорлик билан излайдилар ва Илоҳийга мурожаатларни қабул қилиш учун сўранадилар. Бироқ, ижодий Ислом мутафаккирлари кўпинча биродарлари томонидан четга сурилади ёки дунёвий ҳамкасблари томонидан қадрсизланади. Албатта, бу китобда баён

этилганидек, мусулмонлар учун мусулмонлар томонидан ҳақиқий исломий бошқарув ва давлат сиёсатини излаш одамларни сиёсий ҳокимият зулмидан, анъанавий ҳуқуқшунослар ва олимларнинг гегемонлигидан, ва, энг аввало, ўзларининг хоҳиш-истаги йўқлигидан, ўз-ўзидан шубҳаланишидан ёки шариат руҳини ихтиёрий билмасликдан озод қилишга қаратилган уч томонлама ёндашувни талаб қилади.

УЧИНЧИ БОБ

***Мақасид* ёндашувининг тарихий илдизлари**

Ушбу боб *мақасид* соҳасидаги тадқиқотларнинг тарихий илдизларига бағишланган бўлиб, уларнинг иймон, ҳаёт, ақл-идрок, насл, фаровонлик ва кадр-қимматни сақлаш каби ажойиб таърифидир. *Мақасид* илми исломшуносликка салмоқли ҳисса қўшгани аниқ бўлса-да, сиёсат ва бошқарувга бундай ёндашувни кенгайтиришга интиланлар тегишли танқидларга тайёр бўлишлари керак. Ислом сиёсати ва бошқарувида дастлабки қўлланилишидан фарқли ўлароқ, *мақасидни* ўрганиш ўнинчи аср олимларининг саъй-ҳаракатларларидан келиб чиқиб, Ислом ҳуқуқшунослиги мусулмон амалиёти ва улар шариатнинг энг олий мақсадлари деб таърифлаган нарсалар ўртасидаги тафовутни даволашга интиланлар. Бу саъй-ҳаракатлар ҳуқуқшуносларнинг ўзлари яшаб турган тарихий лаҳзанинг камчиликларини кўрганлигини яққол кўрсатиб, уларнинг шариат ҳукмрон парадигмаси ҳақида шубҳа билан қараганликларидан далолат беради. Тарихда ёндашувнинг энг кўзга кўринган тарафдорларининг ҳиссалари мусулмонларнинг жамоат фаровонлиги ва манфаатлари учун умри узок ғамхўрлик қилишини намойиш этади. Бу бир қатор олимлар асослар ҳақидаги тушунчани ишлаб чиқиш давом этаётган замонавий *мақасид* тадқиқотларида ҳам кам эмас.

Эрта *мақасид* амалиётлари бугунги кунда ҳам долзарб бўлган бир қатор муҳим хусусиятларни ифода этмоқда. Дастлабки халифаларнинг қоидалари *мақасид* ёндашуви аниқ муаммо ва контекстга йўналтирилган эканлигини кўрсатади. Илм, куч ва тақво уйғунлиги бу раҳбарларни, матнларни сўзма-сўз ўқишга зид бўлса ҳам, уларни бошқаришда Исломнинг моҳиятига амал қилишга имкон берувчи маънавий ва жисмоний ишонч билан тақдирлаган. Ушбу ҳақиқий иборада *мақасид* ҳуқуқшуносликнинг қатъий асосларига боғлиқ эмас эди ва шунинг учун жуда катта ақлий кенгликка очик бўлган. Маҳаллий ва хорижий барча билим соҳалари ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиш учун жалб қилинган. Инсоннинг олижаноблиги ва *шўрога* бўлган садоқати, албатта, қандай йўл билан бўлса ҳам “барқарорлик”нинг кейинги муаммоларидан фарқли ўлароқ, давлат ишларида бош илдиз вазифасини ўтаган.

Ислом сулолалари ҳукмронлигининг узоқ тарихи давомида истибоднинг юксалиши бу мажбуриятга чек қўйган. Сулолавий ҳукумат бошқарувнинг олдинги босқичларини тавсифловчи маънавий, ахлоқий ва моддий бирлик ҳисобига қонун ва давлатнинг ажралиб чиқишига олиб келган. Фуқаролик ишларида ҳуқуқшунослар ва олимларнинг ўрни ортиб бориши уларнинг диний ва ақлий чекловларини ниқоблашга хизмат қилган. Ҳукмдорларнинг қонунга бостириб киришга бўлган мутлақ ҳуқуқи иззат-икром туфайли эмас, балки ҳуқуқшуносларнинг сиёсий кучларни бошқариш ёки ўзгартириш тўғрисида ҳеч қандай баёнот бермаслик ҳақидаги жим розилиги билан содир бўлган. Бундан ташқари, улар ҳокимият субъектларининг розилигини таъминлашлари керак эди. Натижада шариатга қисман, бўлак-бўлак микро-ёндашув вужудга келган. Бошқарув тизими эса ҳукмдорлар билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдиган шахс ва жамоатчиликдан ажралиб чиққан.

Шу сабабли, *мақасид* ёндашувининг дастлабки олимлар, Ислом ҳуқуқшунослиги, мусулмон амалиёти ва улар шариатнинг энг олий мақсадлари деб таърифлаган нарсалар ўртасидаги тафовутдан безовталаниб қолганлар. Абулмаъолий ал-Жувайний (1085-йили вафот этган) Ислом ҳуқуқи инсонларнинг иймони, қалби,

онги, шахсий ҳаёти ва фаровонлигини ҳимоя қилишга мўлжалланган, деб таклиф қилган. Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий (1111-йили вафот этган) устуворликларни куйидаги тартибда жойлаштирган: иймон, қалб, ақл, насл, фаровонлик. Иззуддин ибн Абдуссалом (1209-йили вафот этган) ҳуқуқий таърифлар ва уларнинг ниятлари ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратган. Шихабуддин ал-Қарафий (1285-йили вафот этган) бошқа мақсадлар тан жазоси тўғрисидаги фармонларга асосланса, кадр-қимматни сақлаш қўшилиши кераклигини ақс эттирган. Шамсуддин ибн ал-Қаййим (1347-йили вафот этган) ҳуқуқий ҳийлаларни ёки “*ҳиял*”ни батафсил танқид қилишни таклиф қилган. Ибн Таймия (1328-йили вафот этган) кенгрок кадриятларни, шу жумладан, адолат, яхши фазилат, конституцияда белгиланган ҳуқуқлар ва бошқалар орасида илмий мукамалликни таклиф қилишга интиланган. Илк *мақасид* олимларидан энг машҳури Абу Исҳоқ аш-Шотибий (1388-йили вафот этган) Қонун чиқарувчининг *мақасидни* қандай белгилаш мумкинлигини аниқлаган. Шотибийга эргашганларнинг ҳаммаси унинг ишини умумлаштирган ёки тузатган эдилар.

Биргаликда олинган дастлабки олимларнинг ҳиссалари Ислом қонунчилигининг энг олий мақсадлари ҳисобланган нарсаларни тушуниш ва ҳурмат қилишнинг аҳамиятига эътибор қаратганлар. Уларнинг ёзувлари Ислом ҳуқуқшунослиги кўзлаган мақсадини амалга оширишга интилиши учун бирор нарса нотўғри кетган ва таъмирланиши кераклигини эътироф этади. *Мақасид* ўз фикрларини билдириш пайтида олимлар онгида кенг тарқалган бўлиб қолиши учун Ислом ҳуқуқшунослиги асосларига киритилгунга қадар, эҳтимол бу қонун ўз мақсадига хиёнат қилади. Шу тарика, *мақасид* ёндашуви қонунга ахлоқий асос яратиш учун мўлжалланган.

Мақасид ёндашувининг асосий хусусиятлари уни кенг қўламдаги илм-фанлар, хусусан, ўсишнинг бошланғич нуқталари ҳисобланган бошқарув ва сиёсатда қўллаш имконини беради. Замонавий олимлар замонавий ҳаёт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир вазифани ривожлантириш орқали ёндашув долзарблигини ошириш учун ҳаракат қилишди. Шундай қилиб, динни асраш дин

эркинлигига айланди. Ушбу мақсад Ислом ахлокига, иймондан келиб чиққан ҳолда танлаш эркинлигига ва бу эркинликни ифода-лаш учун ҳимояланган жамоат маконининг аҳамиятига эътиборни қаратади. Давлат сиёсати, агар танлов бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмаса, жамиятига ижобий ҳисса қўшса ва жамоавий равишда белгиланган ижтимоий меъёрларни ҳурмат қилса, шахсий ва оммавий танловни ҳурмат қилиши зарур. Умуман олганда, бу мақсад жисмоний фаровонлик эҳтиёжларини ва жисмоний шикастланишнинг олдини олишни қондиради. Ушбу мақсадлар учун давлат сиёсати миллий хавфсизликка, фуқаро бўлмаганларни ҳимоя қилишни кенгайтиришга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиши мумкин. Келажакда тушунча ҳаётнинг нафақат жисмоний намоён бўлишига боғлиқлигини акс эттириш учун янада рифожланиши мумкин. Шариат барча тирик мавжудотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида жуда аниқ изоҳ бериб, улар (ҳар хил) ижтимоий жамоаларни ва улар асосидаги мураккаб муносабатлар тармоғини ўстириш заруриятини кўрсатади.

Наслни сақлаб қолиш оила бирлиги ҳақида кенгроқ тушунчани ўз ичига олган ҳолда ривожланди. Ушбу мақсад тўғри фаолият кўрсатаётган оилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишдаги ролини тан олишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Шунинг учун давлат сиёсати оила фаровонлигини, шу жумладан, никоҳ ва болалар учун имтиёзларни рағбатлантириши керак. Биринчи олимлар замонида бу мақсаднинг негизи зинонинг жазоси эканини англаш муҳимдир. Агар шу негизни кўриб чиқадиган бўлсак, наслни сақлаб қолиш ижобий натижа берадиган боланинг келиб чиқилиши билишдан кўра, ижтимоий ахлоқни асраш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Бу *зино* қилиш айблови билан боғлиқ жуда қаттиқ суд қарорларидан, шу жумладан, тўртта гувоҳнинг мавжудлигидан далолат беради. Жамоат ахлоқининг аниқ бузилиши билан бир қаторда бундай айблов билан боғлиқ шарт-шароитлар ҳам шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини ва ёлғон айбловлардан ҳимоя қилишни таъкидлайди. Жамоат ахлоқини ва шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини сақлаш шариатнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Булар инсон хатти-ҳаракатининг кенг доирасини таъминлайди,

айни пайтда фуқароларнинг шахсий ҳаётига жамоат ва давлат томонидан тажовуз қилиш учун чекловларни белгилайди.

Фаровонликни (*мол*) сақлаш ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларни, шу жумладан, ўсиш, ривожланиш, пул муомаласи, ижтимоий эсон-омонлик ва иқтисодий эгалитаризмни (тенглик) қамраб олиш учун ривожланган. Давлат сиёсатининг вазифаси давлат ва хусусий мулкни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий тартиб ва ижтимоий-иқтисодий тизимни, шунингдек, жамият манфаати учун ўсиш ва ижодий ривожланишнинг барча ҳуқуқий воситаларини белгилашдан иборат. Барча анъанавий *мақасиддан*, шаръий мақсад сифатида фаровонликни асраш балки энг кам оқлангандир. Ўғирлик учун жазонинг ижобий оқибати мулкни сақлаб қолиш эмас, балки унинг барча кўринишларида инсон ҳимоясининг кафолати ва муқаддаслигидир. Ўғирлик учун жазонинг оғирлиги (қашшоқлик, адолатсизлик, тенгсизлик ва ҳоказо пайтларда қўллана олмаслиги сабабли маълум бир ижтимоий шароитда тўла қўлланмаслигини қайд этиш билан) Исломнинг жинойт ва зўравонликдан, шунингдек, давлат ва ҳокимиятдан озод бўлишга қаратилганлигини акс эттиради. Бойлик шариатнинг мақсади эканлиги ҳақидаги тахминдан фарқли ўлароқ, Қуръон хайр-эҳсонлар ва тарқатишнинг энг саховатли шакллари чақиради. Бойлик фақат восита бўлиши мумкин, мақсад эмас.

Шонни асраш инсон кадр-қиммати ва инсон ҳуқуқларини ўз ичига олиши учун кенгайтирилган. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида мустаҳкамланган барча ҳуқуқлар бўлмаса ҳам, кўпчиликни ўз ичига олиши керак. Гарчи аёлларнинг ҳуқуқлари, албатта, барча мақасидларга тушиши мумкин бўлса-да, улар бу мақсадга алоҳида эътибор беришни талаб қилишади, чунки бошқа ҳеч бир гуруҳ нафақат эркак ҳуқуқининг имтиёзи сифатида обрўни сақлаб қолган маданий амалиётлар туфайли жиддий зарар кўрмаган. Дунёнинг айрим қисмларида ҳеч қандай гуноҳи йўқ қиз ва аёлларнинг ҳаёти ва ҳуқуқларини ноҳақлик билан бузадиган “шарафни ўлдиришлар” давом этмоқда. Гарчи ҳуқуқшунослар ва олимларнинг кенг доираси бундай қотилли-

қларни қаттиқ қоралаган бўлсалар-да, хотин-қизларни зўравонлик қилиш ва ишлатишнинг БАРЧА шаклларида ҳимоя қилиш бўйича маъноси бир фикр ҳали ҳам аниқ эмас ва бу бир овоздан маъқуллашни кутмоқда. Шариатдаги аёлларнинг ҳуқуқлари, яъни ўзларида мақсадни ифодалайдиган деб даъво қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқлар тасдиқланиши, талаб қилиниши ва янада баландроқ овоз билан қабул қилиниши керак.

